

## **Молия бозорида лизинг хизматларини ривожлантиришнинг аҳамияти**

*Ж.Р.Зайналов – СамИСИ, “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси  
мудири, и.ф.д., профессор*

*Ш.М.Латипова – СамИСИ, “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси  
ўқитувчиси*

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналишида миллий иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш бўйича молиявий хизматлар ҳажмини кенгайтириш долзарб масалалардан бири сифатида белгиланди. Шундай экан, молиявий хизмат турларидан бири сифатида лизинг хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, уни амалга оширишнинг ҳукукий асосларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, Юртбошимиз ташабbusлари ва ғояларининг узвий бир қисми сифатида лизинг давлат миқёсидаги доимий эътибор ва ғамхўрлик туфайли муттасил ривожланиб, катта-кичик бизнес субъектларининг ҳамкори, муайян режаларининг маслаҳатчиси, умуман, иқтисодий янгилинишларнинг изчил амалиётчиси бўлиб танилмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида лизинг хизматлари тобора кенгайиб, хизмат сифати яхшиланмоқда, янги истиқболли мижозларни жалб қилишда рақобат кучайиб бормоқда. Лизинг компаниялари хизматларини ва уларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш учун лизинг хизматлари таркибий тузилишини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Лизинг хизматларини қўйидаги турли мезонлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Мижозлар эҳтиёжларини қондиришига йўналтирилиши жиҳатидан:

- Тўғридан-тўғри хизматлар (лизингга олувчи-лизингга берувчи ўртасида воситачисиз) бевосита мижозларнинг эҳтиёдларини қондиради, масалан, жиҳозларни сотувчи (ишлаб чиқарувчи)сиз лизингга бериш, тўловларни ўтказиш, инновацион-инвестицион хизматлар;

- Билвосита хизматлар, яъни сотувчи (ишлаб чиқарувчи) орқали мижозларга тақдим этилиши билан уларга қулайлик түғдирадиган ва фойдали лизинг хизматлари (молиявий лизинг).

2. Мижозларнинг юридик мақоми жиҳатидан лизинг хизматларини иккига бўлиш мумкин:

- Юридик шахсларга кўрсатиладиган молиявий лизинг хизматлари;

- Жисмоний шахсларга кўрсатиладиган молиявий лизинг хизматлари.

3. Лизинг компанияси фаолиятидан келиб чиқиб:

- Асосий лизинг хизматлари;

- Кўшимча лизинг хизматлари фарқланади.

4. Мураккаблик даражаси бўйича лизинг хизматларини қўйидаги даражаларга бўлиш мумкин:

Биринчи даражали жиҳоз (техник воситалар ва б.) ва хизматлар – кўпчилик истеъмол қилувчи ва фойдаланувчиларга лизинг компанияси томонидан кўрсатиладиган оператив лизинг хизматлари.

Иккинчи даражали жиҳоз (техник воситалар ва б.) ва хизматлар – маҳсус тайёргарликка эга бўлган лизинг компанияси ходимларини (лизинг компанияси томонидан лизингга бериладиган активлардан фойдаланиш кўниумасига эга бўлган) талаб қилувчи хизматлар;

Учинчи даражали хизматлар – професионал билим ва тажрибани талаб қилувчи хизматлар (лизинг компаниясининг турли активларини бошқариш);

Тўртинчи даражали хизматлар – молияни режалаштириш, молияни бошқариш соҳасидаги маҳсус билимларни талаб қилувчи хизматлар.

Лизинг хизматлари сифатига қуидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- лизинг компаниясининг барқарорлиги ва обрўси;
- лизинг компанияси активлари ва капитали ҳажми;
- мижоз базаси;
- кўрсатиладиган лизинг хизматлар кўлами ва ҳажми;
- мавжуд филиаллар ва уни кенгайтириш истиқболлари;
- реклама сиёсати;
- малакали мутахассислар;
- юқори технологик масофавий лизинг хизматларини кўрсатишни жорий этиш.

Лизинг хизматларининг микдор ва сифат кўрсаткичларига турли хил омиллар таъсир кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал

### **Лизинг компаниялари хизматларининг микдор ва сифат кўрсаткичларига таъсир қилувчи омиллар**

| <b>Ички</b>  | <b>Ташқи</b>   |
|--|--|
| Активлар ва капитал ҳажми                              | Лизинг компанияси ташқи сиёсати                                      |
| Маркетинг фаолияти                                     | Лизинг компанияси капиталида давлат улушининг даражаси               |
| Тариф (нарх) сиёсати ва элстиклиги                     | Лизинг бозорининг ривожланиш даражаси                                |
| Лизинг объектларининг ривожланганлик даражаси          | Лизинг соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар                       |
| Лизинг компанияси ходимлари малакаси ва ихтисослашуви  | Аҳолининг лизинг объектини олиш бўйича реал тўлов қобилияти даражаси |
| Лизинг компаниясининг хизматлар бозоридаги стратегияси | Аҳолининг лизинг компанияси ва хизматларига бўлган ишончи            |

Лизинг компанияси фаолиятини даромадлилик нұқтаи назаридан таҳлил қилиш лизинг компанияси сиёсатини шакллантириш, кам даромадли операцияларни аниқлаб, компания учун сезиларли даромадлар олиш

имконини берувчи таклифларни ишлаб чиқиш асосларини яратади. Ушбу масалаларни ечишда фаолиятнинг иқтисодий, молиявий таҳлили, компания молиявий ресурслари ҳаракатини бошқариш механизми, капиталдан фойдаланишнинг самарали ва оқилона тизими сифатидаги молиявий менежменти катта аҳамият касб этади.

Лизинг компанияси томонидан кенг кўламли лизинг хизматларининг кўрсатилиши, унинг мижоз (лизингга оловчичи) учун ишлаши бугунги куннинг талабидир. Шундай экан, мижоз (лизингга оловчичи)лар манфаатини кўзлаган ҳолда лизинг компанияси учун даромад келтирадиган дастурларни яратиш, тадбирларни уюштириш, ҳар бир молиявий лизинг хизмати туб моҳиятини, фойдали ва заарли томонларини мижоз (лизингга оловчичи)ларга тушунтириб бериш билан шуғулланувчи лизинг компаниясида бўлимларни очиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Молиявий лизинг хизматларни кенг доирада олиб бориш компания учун даромад манбани кенгайтиради ва уларни замонавий банк даражасига олиб чиқади.

Лизинг компанияси хизматининг сифат кўрсаткичларини оширишда лизинг компаниялари ўртасида рақобат омили муҳим аҳамият касб этади. Чунки рақобат жараёни лизинг хизматларининг миқдори ва сифатини оширади. Бундан ташқари, лизинг компаниялари фаолиятида қуйидаги йўналишларни жорий этилиши бўйича таклифларнинг амалга оширилиши лизинг компаниялари хизматининг сифат кўрсаткичларини яхшилайди деб ҳисоблаймиз:

1. Лизинг компаниялари фаолиятида замонавий ахборот технологияларни кўллаш орқали харажатлар камайтирилади. Шунингдек, инновацион технологиялар мижоз вақтини тежашга ва харажатларини қисқартириб, лизинг операцияларни тезкорлик билан амалга оширишни таъминлайди. Бугунги кунда республикамида глобал интернет тармоғининг юқори суръатларда кенгайиши ва мобиль алоқа хизматларидан фойдаланувчилар сонининг ўсиб бораётганлиги мазкур йўналида масофавий лизинг хизматларини кенг жорий қилишни тақозо этади.

2. Лизинг компанияларининг фаолиятини тақомиллаштириш.

Лизинг компаниялари томонидан лизинг оловчи мижозлар эҳтиёжини аниқлаш ва улар учун зарур лизинг хизматларини белгилаш маркетинг тадқиқотларига асосланади. Маркетинг тадқиқотларини аҳолининг маълум гуруҳлари ўртасида ташкил этиб, уларнинг лизинг хизматларига бўлган талабини баҳолаши ва шунга мос сиёsatни амалга оширилиши лозим.

3. Лизинг компанияси фаолиятини кенг тарғиб қилиш.

Лизинг компаниялари ва унинг кўрсатадиган лизинг хизматлари ҳақида аҳоли ўртасида кенг тарғиботнинг йўлга қўйилганлиги келажакда лизинг компаниясининг мижоз (лизингга оловчичи) базасини кенгайишига олиб келади. Чунки аҳоли ёки хўжалик юритувчи субъектлар қайси лизинг компанияси тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлса, лизинг компаниясининг ушбу хизматларидан фойдаланиш даражаси ортади. Банк фаолиятини кенг тарғиб қилиш ва уни танитиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Интернет тармоғида реклама доирасини кенгайтириш;
- Телевидение ва радио тармоқларида лизинг хизматлари ҳамда унинг натижалари түғрисидаги маълумотларни тарғиб этиш;
- Оммабоп матбуот нашрларида лизинг компанияси фаолиятини тағиб этиш.

Шунингдек, лизинг компанияси фаолияти билан яқиндан таништириш ва уни кенгайтириш учун конференциялар ташкил этиш, лизинг компанияси ҳомийлигида тадбирларни уюштириш ва турли акцияларни ташкил этиш орқали мижоз (лизингга оловчи)ларни кенг жалб этиш мумкин.

#### 4. Лизинг компанияси ходимларининг касбий маҳоратини баҳолаш.

Лизинг компанияларида ходимлар фаолиятини баҳолаш менежментнинг муҳим йўналиши бўлиб ҳисобланади. баҳолаш жараёни лизинг компанияси фаолиятининг ҳамма босқичларида, яъни ишга олишда, лавозимини ўзгартиришда, иш жараёнида ва бошқа ҳолатларда кечади. Баҳолашдан мақсад ҳодимнинг иш фаолиятидаги қобилиятини тўлалигича намоён этишига шароит яратиш. Биритирилган вазифаларнинг бажариш сифатини таҳдил этилиши асосида ҳодим фаолиятига баҳо берилади.

Лизинг компанияси мутахассислари (ходимлари) лизингга оловчи мижозлар билан доимий алоқада бўлувчи ва хизматларни кўрсатувчи шахслар ҳисобланиб, лизинг компанияси фаолияти натижалари ҳодимлар билим даражаси ва касбий маҳоратига бевосита боғлиқ. Лизинг компаниялари мутахассис ходимлари фаолияти самарадорлиги ва жозибадорлигига эришиш, пировард натижада олинадиган даромад билан мижозларни жалб этишдан иборатdir. Ҳар бир хизмат турининг самарадорлиги ўз навбатида лизинг бозори ҳолати, ушбу хизмат турига бўлган талаб ҳамда унинг сифатига тўлиқ боғлиқ бўлиши лозим.